

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.B.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАОЛИМОВ МИРЗОХИД МИРЗАВАЛИЕВИЧ**

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЖИГАР МИТОХОНДРИЯЛАРИДАГИ**  
**ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИ ДИЕТА**  
**БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD) of biological sciences**

**Мирзаолимов Мирзохид Мирзавалиевич**

Постнатал онтогенезда жигар митохондрияларидаги физиологик-  
биокимёвий ўзгаришлар ва уларни диета билан коррекциялаш ..... 3

**Мирзаолимов Мирзохид Мирзавалиевич**

Физиологичеикие, биохимические изменения в митохондриях печени в  
постнатальном онтогенезе и их коррекция с диетой..... 21

**Mirzaolimov Mirzoxid Mirzavaliovich**

Physiological, biochemical changes in liver mitochondria in postnatal  
ontogenesis and their correction with diet ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАОЛИМОВ МИРЗОХИД МИРЗАВАЛИЕВИЧ**

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЖИГАР МИТОХОНДРИЯЛАРИДАГИ  
ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИ ДИЕТА  
БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B171 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдуллаев Гаффулжон Рахимжонович</b> биология фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саидбаева Лола Мухамедовна</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Матчанов Азад Таубалдиевич</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 25 май куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161 - уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (998-69) 228-85-01, факс (+99869) 228-85-02, e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161 - уй, Тел.: (+99869) 228-85-01.

Диссертация автореферати 2021 йил 13 май куни тарқатилди.  
(2021 йил \_\_\_\_ майдаги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Э. Зайнабидинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**Х.Э. Эргашева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича PhD., доцент

**А.Р. Батошов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида турли хил касалликлар, жумладан нейродегенератив, юрак қон-томир ва жигар касалликларининг сони тинимсиз ортиб бориши долзарб тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Нейродегенератив патогенезнинг асосий механизмларидан хужайрада альтернатив жараёнларнинг авж олиб боровчи аккумуляцияси, митохондрия кристаларининг шишиши, ташқи мембранасининг бузилиши, лизосомалар ёрилиб протеолитик ферментлар чиқиши ва эндоплазматик ретикулумнинг кенгайиши касаллик ривожланишининг асосий омилдир. Шу нуқтаи назардан оптимал рационлар асосида хужайра ва митохондрия мембранасини стабилловчи ва уларга кам токсик хусусиятга эга самарали таъсир этувчи фармакологик препаратларни ишлаб чиқиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёда хужайранинг биоэнергетик манбаи бўлган митохондриялар мембранасига стабилловчи таъсир этувчи цитопротектор дори воситаларининг янги авлодини яратишга қаратилган илмий изланишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бунда, жигар митохондрияси мембрана липидларини пероксидланиши, шунингдек, митохондриал бузулишларни коррекцияланиши, ёш ортиб боришига боғлиқ гиперлипидемияни олдини олиш ва даволашнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамызда ҳалқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва узоқ умр кўриш кўрсаткичларини узайтириш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қариш жараёнида вужудга келадиган стрессларга митохондриялар реакциясини аниқлаш ва уларни антигепоксантик бирикмалар билан коррекциялаш бўйича муҳим илмий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Республика фуқароларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида ишлаб чиқилган арзон ва самарали дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда ёш ортиб боришини рационга боғлиқ физиологик механизмларини аниқлаш ва улар асосида кексайишнинг олдини олиш ва даволаш учун янги самарали усулларни яратишга қаратилган тадқиқотлар аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 2 августдаги ПК-3894-сон “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қариш жараёнида митохондрияларнинг роли, митохондрия ДНКсининг шикастланиши ва унинг кетма кетлигининг ўзгариши натижасида мутациялар пайдо бўлиши каби маълумотлар хорижлик олимлардан G.G.Ortiz (2018), Y.R.Zheng (2019), A.Y.Abramov (2010), N.Sun (2016), В.П.Скулачев (1999), МДХ мамлакатларидан Л.К.Обухова (1983), Ю.В.Нестеров (2008), И.А.Корниенко (1979), Т.Л.Дубина (1968), Ю.А.Владимиров (1972) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Республикада ўсимлик табиатли комплекс бирикмаларни қариш билан боғлиқ митохондрия дисфункциясини коррекцияловчи ҳоссалари ва қариш жараёнида вужудга келадиган стрессларга митохондриялар реакциясини аниқлаш ва уларни антигепоксантик бирикмалар билан коррекциялаш бўйича замонавий тадқиқот ишлари кам сонли бўлиб, асосий тадқиқотлар С.Н.Далимова (2019), К.Т.Алматов (2015), Р.Н.Ахмеров (2018), Г.Р.Абдуллаев (2013), Б.У. Ирискулов (1997), В.В.Конов (1988) ишларида кўрсатилган. Лекин, бу тадқиқотлар озуқа рационининг камайиши ҳайвонларнинг умр кўриш давомийлигига таъсири натижасида содир бўладиган ўзгаришларни тўла очиб бера олмайди. Бундан ташқари, қариш жараёнида озуқа рационининг роли ва митохондрия функционал кўрсаткичлари ўзгариши бўйича бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Шу ўринда калорияси чекланган диетани каламушларнинг постнатал онтогенезда ўсиб ривожланишига, ҳайвонларни ҳаёт давомийлигига таъсирини, постнатал онтогенезда ҳайвонлар организмда амалга ошадиган айрим биокимёвий жараёнларга таъсирини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Геронтология фани муаммолари ҳамда турли биологик фаол моддалар ва флаваноидларнинг организмдаги модда ва энергия алмашинувига таъсир механизмини ўрганиш” мавзусидаги илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** калорияси чекланган диетани ёш ортиб бориши билан боғлиқ каламушлар ўсиш ва ривожланишига ҳамда жигар митохондрияси функционал ўзгаришларига таъсир механизмини қиёсий тавсифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** КЧДни каламушларнинг постнатал онтогенезда ўсиб ривожланишига ва ҳайвонларни ҳаёт давомийлигига таъсирини аниқлаш;

постнатал онтогенезда КЧДни ҳайвонларнинг газ кислород алмашинуви, тана ҳарорати ва жигари митохондрияларининг энергетик метаболизмига таъсирини баҳолаш;

КЧДни постнатал онтогенезда каламушларнинг жигар митохондрияларида АТФ-синтаза ва нофосфорланувчи оксидланиши фаоллигига таъсирини аниқлаш;

КЧДни постнатал онтогенезда каламушларни жигари митохондрияларида НАДН-га боғлиқ ЛПО маҳсулоти МДА миқдорида таъсирини аниқлаш;

постнатал онтогенезда КЧДни  $Fe^{2+}$ /цитрат билан чақирилган митохондрия ҳажм ўзгаришини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оқ зотсиз 36 ойликкача бўлган каламушлар, уларнинг жигаридан ажратиб олинган митохондриялар ва калорияси чекланган диеталар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** КЧДни постнатал онтогенезда тана ва жигар массалари, газ-кислород алмашинуви, жигар митохондрияси нафас олиши ОФ, АТФ-синтаза фаоллиги, НАДН ва  $Fe^{2+}$ /цитратга боғлиқ липидларни перекисли оксидланишидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар бажарилишида физиология ва биокимёда кенг қўлланиладиган дифференциал центрифугалаш, полярография, спектрофотометрия, фотоэлектрокалориметрия, биокимёвий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

КЧД ҳайвонларни умр кўриш давомийлигини ўртача 46,4 фоизга ошириши, уч йиллик тажрибада улар назорат ҳайвонларидан тана вазнида ва жигар массасида қарийб 4 марта ортда қолиши аниқланган;

КЧД экспериментал ҳайвонларда газ - кислород метаболизмини назорат қийматининг пасайишига олиб келган ва ҳайвонларнинг кам энергия ҳолатига ўтишини кўрсатиб, организм захираларидан тежамкор фойдаланишга олиб келиши исботланган;

жигар митохондрияларида кам калория билан таъминлашда АТФ синтези ва митохондрияларнинг функциялари бузилмаслиги аниқланган;

НАДН га ва аскорбатга боғлиқ бўлган йўлларда пероксид маҳсулотлари шаклланиши фаоллигини ошганлиги ва булар митохондрияларга ва организмнинг ҳаётини узайтиришга салбий таъсир кўрсатмаганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёш ортиши билан боғлиқ жигар митохондрияларининг дисфункциясини КЧД билан коррекциялаш мумкинлиги исботланган;

геронтологик касалликларда ёш ортиб бориши билан боғлиқ геропротектор ҳоссалар асосланган ва уларнинг мембранатроп фаолликлари баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ва улар асосида натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, шунингдек, замонавий физиологик, биофизик, биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги, назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стъюдент t-тести ёки вариацион таҳлил (ANOVA) бўйича ҳисобланганлиги ва қийматлар фарқининг статистик ишончлилиги  $P < 0,05$  даражасида ифодаланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти КЧДдаги хайвонларда тана массасининг ошиши давом этиши, газ - кислород метаболизмини назорат қийматининг пасайиши, организм заҳираларидан тежамкор фойдаланишга олиб келишини рационли диета билан бошқаришни асосланганлиги ва ёшга боғлиқ жигар митохондриялари дисфункциясини коррекциялашдаги аҳамиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёш ортиб бориши билан боғлиқ жигар хужайраси мембраналарининг липидлар пероксидацияси ва биоэнергетик дисфункцияларини КЧД асосида коррекциялаш, геронтологик касалликларни комплекс даволашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ёш ортиб бориши билан боғлиқ касалликларда геропротектор ҳоссаларини асослаш ва уларнинг мембранатроп фаолликларини баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Постнатал онтогенезда нормал ва КЧД ни каламуш ёш ортиб бориши билан боғлиқ жигар митохондрияларидаги функционал ўзгаришларга таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

постнатал онтогенезда хайвонларнинг ёши ортиши билан боғлиқ кузатиладиган митохондриал бузилишлардан №ОТ-Ф6-2 «Каламушлар бош мия митохондриялари билан полифеноллар асосида яратилган супромолекуляр комплекслар муносабатларининг биокимёвий механизмларини тадқиқ этиш» лойиҳасида ўсимлик табиатли полифенол ва флавоноид бирикмаларни ҳамда улар асосида глициризин кислота билан синтезланган супромолекуляр комплексларнинг антиоксидант ҳусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 89-03-5050-сон полифеноллар, флавоноидлар ва супромолекуляр комплекслар ичидан юқори антиоксидант ҳусусиятга эга бўлган комплекслар танлаб олиш имконини берган;

калорияси чекланган диетанинг ёш ортишига боғлиқ хайвонлар организмидаги газ алмашинуви интенсивлигига таъсири хоссаларидан №ОТ-Ф6-2 «Каламушлар бош мия митохондриялари билан полифеноллар асосида яратилган супромолекуляр комплекслар муносабатларининг биокимёвий механизмларини тадқиқ этиш» лойиҳасида мегаферон ва ГК+Кв комплекслари ёрдамида экспериментал хайвонларнинг ёши ортиши билан жигар митохондрияларининг пасайиб кетган функционал ҳолатини тиклашда

фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 89-03-5050-сон маълумотномаси). Натижада комплекслар кекса ёшдаги каламуш жигар митохондрияларида пасайиб кетган оксил биосинтезини тиклаш имконини берган;

постнатал онтогенезда калорияси чекланган диетани ҳайвонларнинг газ кислород алмашинуви, тана ҳарорати ва жигари митохондрияларининг энергетик метаболизмига таъсири бўйича олинган натижалар Сургут давлат университетининг «Инновационные технологии извлечения, идентификации полифенолов дикоросов ХМАО-Югры и исследование их геропротекторных свойств при возраст-ассоциированных заболеваниях на Севере» лойиҳасида фойдаланилган (Сургут давлат университетининг 2021 йил 19 январдаги №0413-208 маълумотномаси). Натижада полифенолларнинг ёш ортиб бориши билан боғлиқ касалликларда геропротектор ҳоссаларини асослаш ва уларнинг мембранатроп фаолликларини баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари асосида 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Постнатал онтогенезда митохондрияларнинг тузилиши ва функциясидаги ўзгаришларда, кислороднинг фаол шакли ва антиоксидантларни роли**» деб номлаган биринчи бобида замонавий адабиёт маълумотлари асосида хужайра фаолиятида митохондрия структураси ва функциясининг роли, хужайранинг редокс ҳолатини бошқаришда митохондриянинг иштироки, кислород ва азотнинг фаол шакллари синтези батафсил тушунтирилган. Қарилик билан боғлиқ патофизиологик жараёнларнинг митохондриявий йўллари ва

биомолекуларни жарохатланиши реакциясида кислород фаол шаклининг иштироки тўғрисидаги энг сўнгги адабиёт маълумотлари берилган.

Диссертациянинг **«Калорияси чекланган диета моделида митохондрияни тадқиқ қилиш усуллари ва тажриба олиб боришнинг асосий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тажрибаларни ўтказиш шарт-шароитлари, тадқиқотларни олиб бориш босқичлари ва уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, ҳайвонларда нормал ва КЧД моделини ҳосил қилиш, уларни умр давомийлигини аниқлаш, тана массаси, температура ва жигар массалари аниқлаш келтирилган. Бундан ташқари, жигар митохондрияларини дифференциал центрифугалаш усулида ажратиш, митохондриялар нафас олиш тезлиги ва ОФ ни аниқлашнинг полярография усули, газ-кислород алмашинуви, АТФ-синтаза фаоллиги, мембрана ЛПО ни, митохондриядаги оксил миқдори ва натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Диета таъсиридаги ўзгаришларни аниқлаш учун ўтказилган тажрибаларда оқ эркак каламушчалар туғилгандан кейин 2 ой ўтгач 2 та гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳдаги каламушлар назорат учун олинди ва одатдаги нормал рационли диета билан боқилди; 2-гуруҳдагилар КЧД билан боқилди. Тажрибалар 2 ойгача бўлган каламуш болаларида ва 2, 12, 24 ва 36 ойларда ўтказилди. Хар бир муддатда каламушларнинг массаси ўлчанди.

Диссертация ишининг **«Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламушларнинг физиологик-биокимёвий кўрсаткичларига таъсири»** деб номланган учинчи бобида КЧДни каламушларнинг постнатал онтогенезда ҳаёт давомийлигига, жигар массасига, газ кислород алмашинуви ва ҳайвонларнинг тана ҳароратига таъсири аниқланган. Шунингдек, ушбу бобда КЧДни постнатал онтогенезда каламушларни жигари митохондрияларининг энергетик метаболизмига, АТФ-синтаза ва нофосфорланувчи оксидланиши фаоллигига таъсири бўйича ҳам натижалар келтирилган.

Қариш даврининг бошланиши ва айниқса қариликда нормал диетадаги ҳайвонларда тана массасининг ошиши пасая бошлаган бўлса, КЧДги ҳайвонларда эса тана массасининг ошиши давом этди. Бундан, нормал диетадаги қариш даври бошланган ва қари ҳайвонларнинг организмидаги моддалар ва энергия алмашинуви пасаяди, шу ёшдаги кам диетали ҳайвонларда эса бундай салбий ўзгаришлар кузатилмайди деган хулосага келиш мумкин.


*Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламушларни жигари массасига таъсири.* Жигар ҳужайрасининг 80% ини гепатоцитлар, 15% ини эпителиаль ҳужайралар ташкил этади. 1 дақиқада жигар ҳужайраларидан 1,2 литр қон ўтади, унинг 70% и дарвоза венасидан ўтиб, улар овқат ҳазм қилиш органларига келади, қолган 30%и жигар артерияларидан келади. Бошқа аъзолардан кўра жигар хар томонлама кўпроқ ўрганилган бўлиб, улардаги асосий метаболик йўллари ва уларни бошқарилиш механизмлари аниқланган, метаболик бошқарилиш назариялари ва усуллари ишлаб чиқилган. Ана шуларни назарда тутиб новбатдаги тажрибамизда

калорияси кам диетани постнатал онтогенезда каламушларнинг жигари массасига таъсирини ўрганишдан иборат бўлди.

Туғилгандан кейин 1-2 кун ўтган каламушчаларнинг жигарини оғирлиги  $0,13 \pm 0,02$  г ни ташкил қилади. Орадан 15 кун ўтгандан кейин жигарни оғирлиги 5,25 мартага кўпайди. Туғилгандан кейин 1 ой ўтгач, жигарнинг оғирлиги 18,69 мартага кўпайди ва буларни расмларда келтирилмади. Шу муддатда каламушчаларни икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги хайвончалар одатдаги овқат рациониди боқилди, иккинчи гуруҳдаги хайвонлар биринчи гуруҳдагиларга берилган овқатни ярми билан боқилди.

Орадан 2 ой ўтгандан кейин биринчи гуруҳдаги хайвончаларнинг жигар массаси 1-2 кунлик каламушчаларга нисбатан 34 марта кўпайди (1-расм). Иккинчи гуруҳдагиларникини кўпайиши эса деярли икки мартага секинлашди (17,15 мартагагина кўпайди). Деярли ана шундай ўзгаришлар 3 ойда, вояга етган даврида ҳам кузатилади. Орадан 3 ой ўтгандан кейин биринчи гуруҳдаги хайвончаларнинг жигар массаси 1-2 кунлик каламушчаларга нисбатан 50 мартага кўпайган бўлса, иккинчи гуруҳдагиларникини 17,38 мартагагина кўпайди. Демак, кам рационли диета билан боқилган каламушчаларни вояга етиш ва вояга етган даврида жигар массасини ошиши назоратдаги хайвончаларга нисбатан 2 марталарга яқин камайиб кетади.


Кейинги даврларда одатдаги рационда боқилган гуруҳдаги хайвонларнинг жигар массаларини камайиши бирозгина секинлаша бошлайди, кам диета билан боқилган хайвонларнинг жигар массасини кўпайиши давом этади. Назоратдаги гуруҳдаги хайвонларнинг жигар массалари 2, 12, 24 ва 36 ойларга борганда 1-2 кунлик каламушчаларга нисбатан мос равишда 34,0; 73,9; 75,3 ва 71,4 марталарга ошган бўлса, тажрибадагиларники эса – 17,1; 21,7; 32,4 ва 36,31 марталарга ошганлиги аниқланган. Агар, назоратдаги хайвонларни жигар массасини ортишини назоратдагиларга нисбатан қиёслайдиган бўлсак 2, 12, 24 ва 36 ойларда 3,22; 1,98; 2,32; 3,42 ва 1,97 ни ташкил қилади.



**1-расм. Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламушларни жигар массасига таъсири (\* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,02$ ;  $n=4$ .)**

Одатдаги рацион билан боқилган хайвонларнинг ёши бир ёшдан ошгандан кейин жигар массасини ошишида деярли ўзгариш сезилмайди, ammo КЧД билан боқилганларда эса жигар массасини ошиша давом этади. Демак, назоратдаги каламушлар етуклик ва навқиронлик даврида жигар массасини ривожланишида ўзгариш деярли сезилмайди, ammo назоратдаги, КЧД билан боқилгандаги каламушларда жигар массасини ривожланиши давом этади. Назоратдаги хайвонларнинг жигар массаси қари ёшда ривожланиш кузатилмайди, аксинча камая бошлайди, тажрибадаги каламушларда эса жигар массасини ривожланиши давом этади. Демак, одатдаги рационда овқатланган қари каламушларнинг жигарини ривожланиши аста-секин пасая бошлайди, КЧД билан боқилган каламушларнинг жигарини ривожланиши давом этади. Бундан, одатдаги рационда боқилган қари каламушларнинг жигари тўқималарида моддалар ва энергия алмашинуви пасая бошлайди, кам рационда боқилганларда эса моддалар ва энергия алмашинувини ошиши давом этади деган хулосага келиш мумкин. Митохондриянинг жароҳатланиши хужайранинг структураси ва фаолиятини бузилишига сабаб бўлади, натижада организмда энергетик етишмовчилик кузатилади. Шу фикримизни текшириб кўриш учун навбатдаги тажрибамизда одатдаги рацион ва КЧД билан боқилган каламушларнинг постнатал онтогенезда жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишидаги ўзгаришларни текшириб кўришга қарор қилдик.

*Калорияси чекланган диетанинг газ кислород алмашинуви ва хайвонларнинг тана ҳароратига таъсири.* Кўрсатилган озиклантириш шароитлари хайвонлар учун стрессли, ammo ҳаётий жараёнларга мос келади. Бундан ташқари, хайвонлар нафақат яшайдилар, балки уларнинг умри ҳам узаяди, яъни. хайвонларни овқатлантиришни чеклашнинг ижобий таъсири мавжуд. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, КЧД тажриба хайвонларида газ-кислород алмашинувини 40% атрофида пасайтириши аниқланди (2-расм, А ва Б). Хайвонларни узоқ муддатли КЧДда сақлашда онтогенездаги тана температураси назоратга нисбатан 2 ва 12 ойлик тажриба каламушларида жуда катта фарқ кузатилмади бироқ 24 ва 36 ойлик хайвонларни тана температураси биров камайганлиги аниқланди (2-расм, А). Назорат ва тажриба хайвонларида тана температурасини биров камайиши бу каламушларни ёши ортиши билан ҳаракат фаолликлари ассимиляция жааёнларини интенсивлиги сусайиши, артериал ва капилляр қон томирларда қоннинг чизикли ҳаракатлари пасайишидан далолат беради. Бу шуни англатадики, КЧД шароитларда, хайвонлар паст энергия ҳолатига ўтишади, бу эса хайвонлар учун ички ва ташқаридан кириб келувчи энергия манбаларидан тежамкор фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, хайвонлар патологик безовталиқка эга эмаслар ва бошқа кунлар давомида боқиш пайтида хайвонлар ўзларини жуда ҳаракатчан тутишади, биринчи бўлиб ўзларини овқатга уришади ва кўпроқ овқат ейишга ҳаракат қилишади.



**2-расм. Ҳайвонларни узок муддатли калорияси чекланган диетада сақлашда онтогенездаги тана температураси (А) ва газ кислород алмашинуви (Б) интенсивлигининг ўзгариши (\*P<0,05; \*\*P<0,02; n=4.)**

Каламушларда ёш ортиши билан боғлиқ газ-кислород алмашинуви назорат ҳайвонларда ишончли ўзгариш кузатилмади. Каламушлар 24 ва 36 ойлик бўлганда уларнинг газ кислород алмашинуви 2 ойликка нисбатан бироз камайганлиги аниқланди лекин бу ишонарли тарзда амалга ошмади (2-расм, Б). Каламушларни КЧД билан боқилганда уларнинг ёши ортиши билан газ-кислород алмашинуви яъни кислород истеъмоли 2; 12; 24 ва 36 ойликларда назоратга нисбатан мос равишда 24,8; 40,0; 40,8 ва 36,0% га ишончли камайганлиги аниқланди (2-расм, Б).

Шундай қилиб, КЧД билан озиқланган 12 ойлик каламушларда метаболик тезликнинг қарийб 25 фоизга пасайиши кузатилмоқда. Ойлик ҳайвонлар сони 12 марта камайганда, метаболизмнинг пасайиши 40% гача етади. метаболизмни қайта қурилиш жараёни амалга оширилади ва бироз вақт талаб этилади. Ушбу қайта қуриш мослашувчан аҳамиятга эга ва овқатланишни чеклаш шароитларига қаратилган деб ўйлаш мумкин. Озиқ-овқат ресурсларидан тежамли фойдаланиш учун ҳайвон аста-секин кам энергия ҳолатига ўтмоқда. Бироқ, бундай қайта қуриш учун бироз вақт талаб этилади. Чекланган овқатланишнинг иккинчи йилида метаболизмда сезиларли пасайиш кузатилади. Чекланган каламуш овқатланишининг учинчи йилида фақат бир оз қўшимча пасайиш кузатилди.


*Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламушларни жигари митохондрияларининг энергетик метаболизмига таъсири.* Навбатдаги тажрибамизда туғилишдан то вояга етиш даврларида жигар ҳужайралари масасининг ошиб бориши билан митохондрияларининг нафас олиши ва ОФдаги ўзгаришларни бир-бирига солиштирдик.

Туғилгандан кейин 1-2 кун ўтган каламушчаларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни АДФ қўшилгандан кейинги фосфорланишли оксидланиши  $182,1 \pm 4,4$  нанограмм атом кислород мин мг оқсилни ташкил

қилади. Орадан 15 кун ва 30 кун ўтгандан кейин сукцинатни фосфорланишли оксидланиши 28,5 ва 28,0% ларга кўпайди. Бизнинг фикримизча бу муддатда жигар митохондрияларида АТФ синтаза ва оксидловчи энзимлар тизими билан ҳамкорликда ишловчи адениннуклеотидтранслоказанинг фаоллиги кескин ошиб кетади. Туғилгандан кейин орадан 30 кун ўтгач каламушчаларни 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги ҳайвончалар одатдаги овқат рациониди боқилди, иккинчи гуруҳдаги ҳайвонлар биринчи гуруҳдагиларга берилган овқатни ярми билан боқилди. Кейин 2 ойдан то 36 ойгача биринчи ва иккинчи гуруҳдаги каламушларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни оксидланишли фосфорланишидаги ўзгаришлар тўғрисида олинган натижаларни бир бирига таққослаб таҳлил қилдик.

Орадан 2 ой ўтгач нормал рацион ва КЧД билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни фосфорланишли оксидланишинида олинган натижаларни бир-бирига солиштириб ўргандик. Бу муддатда нормал рацион билан боқилган каламушчаларнинг жигари митохондрияларида нафас олиш тезлиги 1 ойдаги натижага нисбатан пасайди ва туғилгандан 1-2 кун ўтгандан кейин олган натижаларга яқинлашди. Бу муддатда кам диетали озуқа билан боқилган каламушчаларнинг митохондрияларида сукцинатни оксидланиши нормал диета билан боқилган 1 ойлик каламушчаларгагина эмас, балки 1-2 кунлик каламушчаларга нисбатан ҳам кескин камайди. Агар, орадан 2 ой ўтгандан кейин кам диетали ҳайвонларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни фосфорланишли оксидланиши 1 ойлик нормал диетадагиларга нисбатан 86,0% га пасайган бўлса, 1-2 кунликларга нисбатан – 45,3% га пасайди. Орадан 3 ой ўтган, нормал диетадаги каламушчаларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни ОФни пасайиши аввалги муддатдагиларга нисбатан янада тезлашди. Кам диетадаги каламушчаларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни оксидланишли фосфорланишида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади.


Нормал диета билан боқилган ҳайвонларнинг жигар митохондрияси инкубация муҳитида сукцинат субстрати мавжуд шароитда 2, 12, 24 ва 36 ойликда митохондрия нафас олиш тезлигининг  $V_3$  ҳолати мос равишда  $194,3 \pm 3,4$ ;  $174,6 \pm 5,3$ ;  $176,3 \pm 5,9$  ва  $143,9 \pm 4,5$  мкм атом О/мин.мг.оқсилни ташкил этганлиги аниқланди (3-расм, А). Тажриба сифатида олинган ҳайвонларни КЧД билан боқилгандан кейин уларнинг жигар митохондриясининг нафас олиш тезлиги сукцинат субстрати иштирокида назоратга нисбатан 2, 12 ва 24 ойликда мос равишда 25,2%; 16,5% ва 19,7% камайганлиги аниқланди. 36 ойлик каламушларнинг жигар митохондрияси нафас олиш тезлигининг  $V_3$  ҳолати назоратга нисбатан ўзгариш кузатилмади (3-расм, А).



**3-расм. Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламуш жигар митохондриялари сукцинат субстрати иштирокидаги V<sub>3</sub> (А) ва V<sub>4</sub> (Б) метаболик ҳолатдаги нафас олиш тезлигига таъсири (\*P<0,05; \*\*P<0,01; n=4.)**

Нормал ва КЧД билан 36 ойгача боқилган ҳайвонларнинг жигар митохондрияси нафас олиш тезлигининг V<sub>4</sub> ҳолати ҳам аниқланди. Орадан 2 ва 3 ойлар ўтгач нормал рацион ва КЧД билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни V<sub>4</sub> метаболик ҳолатда оксидланишида олинган натижаларни бир-бирига солиштириб ўрганганимизда нормал рацион билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни оксидланиши 1-2 кун ўтгандан кейин олган натижаларга нисбатан 36,8 ва 43,0% ларга пасайган бўлса, КЧД билан боқилган каламушларнинг митохондрияларида сукцинатни оксидланиши камайиши янада (46,0 ва 46,7% ларга) тезлашди. Демак, вояга етишга яқин қолган ва вояга етган даврларда иккала гуруҳдаги каламушчаларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни V<sub>4</sub> метаболик ҳолатда оксидланиши секинлашади, аммо КЧД овқат рацион билан боқилганларда бу жараён назоратга нисбатан бирозгина тезлашади. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламуш жигар митохондриясининг V<sub>4</sub> ҳолатдаги нафас олиш тезлиги 2 ойдан 36 ойгача бўлган даврларда сукцинат иштирокида оксидланиш пасайиши секинлашади (3-расм, Б).

Қарилик даврларида, яъни 26 ва 36 ойларда жигар митохондрияларида сукцинатни V<sub>4</sub> метаболик ҳолатда оксидланиши иккала гуруҳда каламушларда бир-бирига тенгалашади ва камайишдаги ўзгаришлар деярли бир хилда бўлади. Олинган натижаларга кўра, КЧД билан боқилган ҳайвонларнинг жигар митохондрияси нафас олишининг V<sub>4</sub> ҳолати 2, 12, 24 ва 36 ойларда назоратга нисбатан мос равишда 11,7% (ишончли), 7,0% (ишончсиз), 6,9% (ишончсиз) ва 11,5% ишончли камайиши аниқланди (3-расм, Б). Демак, постнатал онтогенезнинг бошланишида КЧД билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида сукцинатни V<sub>4</sub> метаболик ҳолатда оксидланишини пасайиши, одатдаги рацион билан боқилган каламушларга нисбатан фарқи кам бўлади. Навқиронлик пайтида эса улар ўртасидаги фарқ янада озаяди ва қариликда эса бир-биридан деярли фарқ қилмайди.



**4-расм.** Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламуш жигар митохондриясининг нафас назорати (А) ва АДФ/О (Б) кўрсаткичларини ўзгариши (\* $P < 0,05$ ;  $n=4$ ).

КЧД натижасида, жигар митохондрияси  $V_3$  ва  $V_4$  метаболик ҳолатларда нафас тезлигининг камайиши, нафас занжири бўйлаб электронларни ташилиши сустлашганлигини ва меъерий даража бузилганлигидан далолат беради. Каламушларни КЧД билан боқилган шароитда, сукцинатга боғлиқ субстрат иштирокида нафас тезлигининг  $V_3$  ва  $V_4$  метаболик кўрсаткичларнинг ўз навбатида, Чанс бўйича НН кўрсаткичларига ҳам таъсир этиб, уларнинг назоратга нисбатан ўзгаришига сабаб бўлди. Туғилгандан кейин орадан 30 кун ўтгач каламуш болалари 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги хайвончалар одатдаги овқат рационидан боқилди, иккинчи гуруҳдаги хайвонлар биринчи гуруҳдагиларга берилган овқатни ярми билан боқилди. Орадан 2 ва 3 ойлар ўтгач нормал рацион ва КЧД билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида Чанс бўйича нафас назорати 1-2 кун ўтгандан кейин олган натижаларга нисбатан 71,0 ва 71,3% ларга ошган бўлса, КЧД билан боқилган каламушларнинг митохондрияларида 49,6 ва 52,4% ларга ошди. Демак, вояга етишга яқин қолган ва вояга етган даврларда иккала гуруҳдаги каламушларнинг жигари митохондрияларида Чанс бўйича нафас кўрсаткичи ошди. Бу жараён, назоратдаги каламушларда кам диетали овқат рационидан боқилганларга нисбатан анчагина сезиларли бўлди. Демак, вояга етишга яқин қолган ва вояга етган даврларда иккала гуруҳдаги каламушчаларнинг жигари митохондрияларида Чанс бўйича нафас кўрсаткичи анчагина ошди, аммо бу кўрсаткични ошиши кам диетали овқат рационидан боқилганларга назоратга нисбатан камроқ бўлди. Агар, нормал овқат рационидан боқилганлар билан КЧДни бир-бирига солиштирадиган бўлсак 2 ва 12 ойлик даврларда жигар митохондрияларида Чанс бўйича нафас кўрсаткичлари назоратга нисбатан тажрибада ўзгариш кузатилмади. Аммо ёш ортиб бориши билан қарилик даврларида 24 ва 36 ойларда бу кўрсаткич назоратга нисбатан мос равишда 13,8% ва 11,7% га камайганлиги кузатилди (4-расм, А). Она каламушлар бир хил рационли овқат билан 2 ой давомида боқилган. Каламуш болаларини 2 ойгача бўлган даврда жигар митохондриясининг АДФ/О қиймати назоратга

нисбатан тажриба гуруҳларида ўзгариш кузатилмади. Аммо, уларни ёши ортиб бориши билан АДФ/О қиймати ҳам ортиб бориши кузатилди. Вояга етиш даврида иккала гуруҳдаги каламушларнинг жигари митохондрияларида АДФ/О коэффиценти 1-2 кунлик каламушга нисбатан ошди. Аммо каламушларни ёш ортиб бориши билан жигар митохондрияларидаги АДФ/О қийматлари катта ўзгаришга учрамаслиги аниқланди (4-расм, Б). Бу олинган натижалардан, КЧД билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида АДФ/О коэффиценти нормал рацион билан боқилган каламушлардан деярли фарқ қилмайди деган хулосага келиш мумкин.

*Навбатдаги тажрибаларда калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда митохондрияларнинг нофосфорланувчи оксидланиши фаоллигига таъсири ҳам аниқланди.* КЧД шароитида сақланадиган каламуш жигарининг митохондрия энергетикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, митохондрия функционал ҳолатида сезиларли ўзгаришларга учрайди. Нафас олиш ва фосфорилланишнинг кучли боғланган пируват субстратида малат билан АДФ/О қийматида сезиларли ўзгаришсиз содир бўлади. Аммо сукцинат субстратида ушбу шароитда  $V_3$  ва асосан  $V_4$  нинг маълум бир тормозланиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Нормал озуқа ва КЧД билан боқилган каламушларнинг онтогенезида жигар митохондрияларида сукцинатнинг оксидланиши (фосфорланувчи ва фосфорланмайдиган)**

Нафас олиш тезлиги нг атом $O_2$ /мин.мг.оқсил					$V_3/V_4$	
$V_3$ Сукцинат			$V_4$ Сукцинат		НН	
Ёши, ойларда	назорат	тажриба	назорат	тажриба	назорат	тажриба
2	194,3±3,4	145,3±4,4*	49,7±3,9	43,9±3,5	3,02	3,30
12	174,6±5,3	145,8±5,4*	44,2±3,4	41,1±3,4	3,95	3,54
24	176,3±5,9	141,5±4,7*	41,9±2,8	39,0±2,6	4,20	3,62
36	143,9±4,5	146,4±7,0	36,7±2,5	36,9± 2,2	3,92	3,97

Изоҳ: (\* $P < 0,05$ ;  $n=4$ ).


Сукцинатнинг юқори  $V_4$  билан оксидланиши боғланмаган нафас олишнинг пайдо бўлишидан далолат беради. Нафас олишнинг ушбу шаклини тормозлаш, КЧД шароитларига биноан, боғланиш яхшиланганлигидан далолат беради. АДФ/О нинг сезиларли ўзгаришларининг йўқлиги шуни кўрсатадики, КЧД ни қўллаш шароитида митохондрия мембранаси ўтказувчанлигини бузмайди.

Диссертациянинг «**Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламушларнинг жигари митохондрияларида липидларнинг перекисли оксидланишига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида КЧДни постнатал онтогенезда каламушларни жигар митохондрияларида НАДФН-га, аскорбатга ва  $Fe^{2+}$ /цитратга боғлиқ ЛПОга таъсири натижалари келтирилган. Организмда кислород молекуласи одатда

ўз-ўзидан назорат қилиб бўлмайдиган кимёвий реакцияларга киришмайди, унинг фаолланиши учун энзимли жараёнлар керак, одам ва ҳайвонларда кислород метаболизмини асосий энзимлари оксидазалар ва оксигеназалар ҳисобланади. Бу энзимларнинг каталитик марказларида кислород охириги бирикмаларга айланади ва ҳужайралардаги органик макромолекуларга хавф солмайди. Ҳужайраларни жароҳатловчи агенти организмда бир қатор физик-кимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган ROS ҳисобланади. ROS ҳосил бўлишини асосий механизмлари одатда митохондрия ва микросомаларнинг электрон ташиш занжирларини фаолиятини бузилиши билан боғлиқ.

Тажриба муддатлари (2, 12, 24 ва 36 ойларда) нормал рацион билан каламушларнинг жигар митохондрияларида НАДФ.Н-га боғлиқ ЛПОни пасайиши аввалги муддатдаги кўрсаткичга нисбатан бирозгина тезлашади, аммо, КЧД билан каламушларда деярли ўзгармайди. Бу муддатларда, назорат билан тажрибадаги ўзгаришларни бир-бирига солиштирганда олинган кўрсаткичлар 0,78 дан 0,51 атрофида тебраниб туради. Нормал диета билан боқилган назорат гуруҳи каламушлари жигар митохондрияси НАДФ.Н-га боғлиқ ЛПО маҳсулоти МДАни 2 ойдан то қарилик 36 ойгача бўлган кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2 ойликдан 24 ойгача бўлган даврда митохондрия ЛПО аста секин камайган бўлса, 36 ойлик бўлганда эса бироз ортганлиги аниқланди (5-расм, А). КЧД билан боқилган 2 ойдан то қарилик 36 ойгача бўлган улар тажриба гуруҳи каламушлари жигар митохондрияси НАДФ.Н-га боғлиқ ЛПОни кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда 2, 12, 24 ва 36 ойлик каламушларнинг жигар митохондрияси мембранасининг НАДФ.Н-га боғлиқ ЛПО жараёни назоратга нисбатан тажрибада мос равишда 28,4%; 80,9%; 89,9% ва 94,0% га МДА миқдори ортганлиги аниқланди (5-расм, А). Демак, КЧД диета билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида НАДФ.Н-га боғлиқ ЛПО тўлиқ рационли овқат билан боқилганларга нисбатан сезиларли даражада ошади. Бундай ўзгариш айниқса қари каламушларда яққол намоён бўлади. КЧД билан боқилган ҳайвонларни ёш ортиб бориши билан жигар митохондрияси ЛПО маҳсулоти МДА миқдорини назоратга нисбатан ортиб боришига янада ишонч ҳосил қилиш мақсадида навбатдаги тажриблар олиб борилди (5-расм, Б).

Каламушлар туғилгандан кейин орадан 30 кун ўтгач 2 гуруҳга бўлинди. Орадан 2 ой ўтгач назорат гуруҳи ҳайвонлари жигар митохондрияси МДА миқдори  $2,87 \pm 0,13$  нмоль/мин мг оқсилни тажрибада эса бу кўрсаткич  $3,45 \pm 0,14$  нмоль/мин мг оқсилни ташкил этиб, назоратга нисбатан 20,2% га ортганлиги аниқланди. Каламушларни худди шароитлар боқилиб 12 ойдан кейин жигар митохондрияси ажратилиб ЛПО маҳсулоти МДА миқдорини аниқлаганимизда назоратда  $2,62 \pm 0,22$  нмоль/мин мг оқсилни тажрибада эса бу кўрсаткич  $2,98 \pm 0,15$  нмоль/мин мг оқсилни ташкил этди. Бу эса тажриба гуруҳи ҳайвонларининг жигар митохондрияси ЛПО жараёни назоратга нисбатан 13,7% ортиб МДА ҳосил бўлиши бироз кучайганлиги аниқланди.



**5-расм. Калорияси чекланган диетани постнатал онтогенезда каламушларни жигари митохондрияларида НАДФН-га боғлиқ ЛПО маҳсулоти МДА миқдорига (А) ва аскорбатга боғлиқ (Б) ЛПОга таъсири.** Митохондрияларда ЛПО аскорбат ва НАДФ қўшиб ўлчанди. МДАни тўпланишини 532 нм оптик зичликда аниқланди. Инкубация мухити: сахароза - 250 мМ,  $\text{NaH}_2\text{PO}_4$  – 1 мМ, трис-НС1- 5 мМ (рН 7,4) (\* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,01$ ;  $n=4$ ).

Назорат ва КЧД билан боқилган каламушлар 24 ойлик бўлганда уларнинг жигар митохондрияси ЛПО маҳсулоти МДА миқдори мос равишда  $2,57 \pm 0,26$  ва  $3,17 \pm 0,25$  нмоль/мин мг оксилни ташкил этиб, назоратга нисбатан МДА миқдори мос равишда 23,3% ортганлиги аниқланди. Тажрибаларни давом эттириб, ҳайвонларни стандарт рацион билан ва КЧД билан боқилиб бироз ёши ортиб қариллик даврида яъни 36 ойлик бўлганда уларнинг жигар митохондрияси ЛПО интенсивлигини ўрганганимизда назоратда  $2,89 \pm 0,35$  ва  $3,54 \pm 0,19$  нмоль/мин мг оксилни ташкил этди (5-расм, Б). Бу эса 36 ойлик каламушларнинг нормал ва КЧД билан боқилганда жигар митохондриясининг мембранасидаги ЛПО маҳсулоти назоратга нисбатан тажрибада 22,5% ортганлиги аниқланди.

Агар назорат гуруҳини 2 ойликдан бошлаб 36 ойликкача бўлган жигар митохондрияси ЛПО интенсивлиги солиштирадиган бўлса бу ерда 2 ойдан 24 ойгача МДА миқдори камайган бўлса 36 ойликка борганда 24 ойликка нисбатан бироз ошганлигини кўришимиз мумкин. Демак, КЧД билан боқилган каламушларнинг жигари митохондрияларида аскорбатга боғлиқ ЛПО тўлиқ рационли овқат билан боқилганларга нисбатан бирозгина ошади.

Юқорида келтирилган тажриба натижаларида нормал ва КЧДни постнатал онтогенезда каламушларни жигари митохондрияларида НАДФН-га ва аскорбатга боғлиқ ЛПО таъсири натижасида МДА миқдори ортиши аниқланганди. Ҳақиқатдан нормал ва КЧД таъсирида жигар митохондрияси ЛПО жараёни интенсивлиги ортишига ишонч ҳосил қилиш мақсадида  $\text{Fe}^{2+}$ /цитрат билан чақирилган ЛПО ўрганилди. Ёш ортиб бориши билан каламушларни жигар митохондриясида  $\text{Fe}^{2+}$ /цитрат таъсирида бўкиши кучаяди. Бу ҳолат нормал диета билан боқилган ҳайвонларга нисбатан КЧД билан боқилган ҳайвонларда жадалроқ кечиши мумкин экан. Бундан кўринадики, КЧД жигар митохондрияси нафас занжиридан эркин

радикалларини ҳосил бўлишини биров ошириши орқали АТФ синтезининг камайиши ва ЛПО жараёнини жадаллиги ортишига сабаб бўлиши мумкин.

## ХУЛОСА

“Постнатал онтогенезда жигар митохондрияларидаги физиологик-биокимёвий ўзгаришлар ва уларни диета билан коррекциялаш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Калория чекланган диета экспериментал ҳайвонларда газ - кислород метаболизмини назорат қийматининг 40% гача пасайишига сабаб бўлади. Бу ҳайвонларнинг кам энергия ҳолатига ўтишини кўрсатади, чекланган овқатланиш билан организм заҳираларидан тежамкор фойдаланишга олиб келади.

2. Ҳайвонларни ёши ортиб боришида калорияси чекланган диета жигар митохондрияси  $V_3$  метаболик ҳолатини ўзгартирмайди,  $V_4$  да нафас олиши секинлашади. Натижада Чанс бўйича нафас назорати ( $V_3/V_4$ ) камаяди, АДФ/О қиймати кўрсаткичлари эса фарқ қилмасдан АТФ синтези ва митохондрияларнинг функциялари бузилмаслиги аниқланди.

3. Калорияси чекланган диета билан боқилган каламушларнинг 12- ва 24-ойларида улар жигарлари митохондриясидаги АТФ-синтаза фаоллиги ўзгармайди, аммо 36 ойлик бўлган ҳайвонларнинг жигар митохондрияси АТФ-синтаза фаоллигини 20,1% га ортишига олиб келади.

4. С увеличением возраста крыс калорийно-ограниченная диета снижает НАДН-зависимое окисление митохондрий их печени. Уменьшение несопряженного дыхания указывает на то, что организм перешел в режим экономного использования питательных ресурсов.

5. Каламушларни ёши ортиб боришида калорияси чекланган диета жигар митохондрияси НАДФН-га боғлиқ липидларнинг перекисли оксидланишида МДА миқдорини оширади ва  $Fe^{2+}$ /цитрат таъсирида бўқиши кучаяди.

6. Аскорбатга боғлиқ липидларнинг перекисли оксидланишида МДА миқдори 12- ва 24- ойликларда камаяди, 24- ва 36- ойлар орасида эса ошади. Ёш каламушлардаги МДА миқдорининг камайиши организмнинг жисмонан етуклик даври бўлганлиги билан изоҳланади.

7. Калорияси чекланган диетани каламушларни ёши ортиб бориши билан митохондрияларга боғлиқ бўлган механизмлар тўғрисида олинган маълумотлар қариш жараёнини олдини олиш ва диета билан даволаш учун янги самарали усулларни яратиш ҳамда илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.В.76.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МИРЗАОЛИМОВ МИРЗОХИД МИРЗАВАЛИЕВИЧ**

**ФИЗИОЛОГО-БИОХИМИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ МИТОХОНДРИЙ  
ПЕЧЕНИ В ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ И ИХ  
КОРРЕКЦИЯ ДИЕТОЙ**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/B171.**

Диссертационная работа выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) и информационно образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаев Гаффуржон Рахимжонович**  
доктор биологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Саидбаева Лола Мухамедовна**  
доктор биологических наук, профессор

**Матчанов Азат Таубалдиевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится 25 мая 2021 года в 11:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160107, город Наманган, улица Бабуршах, дом 161. Зал заседаний Наманганского государственного университета. Тел.: (+99869)228-85-01, факс: (+99869) 228-85-02, E-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz) )

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 160107, город Наманган, улица Бабуршах, дом 161. Тел.: (+99869) 228-85-01.

Автореферат диссертации разослан 13 мая 2021 года.  
(реестр Протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**А.Э. Зайнабидинов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

**Х.Э. Эргашева**  
Ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, PhD по биологическим наукам, доцент

**А.Р. Батошов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день непрерывное увеличение числа различных заболеваний, в том числе нейродегенеративных, сердечно-сосудистых заболеваний и заболеваний печени является одной из актуальных медико-социальной проблем. Основные механизмы патогенеза старения включают усиленную аккумуляцию альтернативных процессов в клетке, набухание митохондриальных крист, нарушение внешней мембраны, разрыв лизосом с высвобождением протеолитических ферментов и увеличение эндоплазматического ретикулума являются основным фактором развития болезни. С этой точки зрения, разработка эффективных фармакологических препаратов, стабилизирующих клеточную и митохондриальную мембраны на основе оптимальных рационов и обладающих малотоксичными свойствами, имеет научное и практическое значение.

В мире проводятся обширные исследования, направленные на создание нового поколения цитопротекторных препаратов, оказывающих стабилизирующее действие на мембрану митохондрий, являющиеся биоэнергетическим источником клетки. При этом особое внимание уделяется разработке коррекции перекисного окисления липидов мембран митохондрий печени, а также коррекции митохондриальных нарушений, новых подходов к профилактике и лечению возрастной гиперлипидемии.

На сегодняшний день в нашей республике уделяется особое внимание укреплению народного здоровья и разработке методов увеличения показателей долголетия и повышению его эффективности. В этой связи, достигнуты важные научные результаты по выявлению реакции митохондрий по отношению к стрессам, появляющиеся в процессе старения и их коррекции антигипоксантами соединениями. В Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> намечены задачи по «социальной защите граждан Республики и усовершенствованию системы здравоохранения, улучшению обеспечения населения дешевыми и эффективными лекарственными средствами, созданных на основе местного растительного сырья». При осуществлении данной задачи, особое значение приобретают исследования, направленные на выявление рацион-зависимых физиологических механизмов увеличения возраста и создание на их основе новых эффективных способов профилактики и лечения старения.

